

**Бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари.**

*Ш. Х. Джабборов ЖДПИ Инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси  
e-mail: sjabborov1980@gmail.com*

*Ж. Маматқулов ЖДПИ Ижтимоий гуманитар фанларда чет тили кафедраси ўқитувчиси*

***Аннотация: Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишда дуч келадиган баъзи муаммолар ҳамда ушбу муаммоларни бартараф этиш усулларига бағишланади;***

***Калит сўзлар: ўқиш техникаси, ёзиш техникаси, касбий компетенция, дикодинг, инкодинг, графикли фонетика, фонетик мезон, анъанавий мезон, иероглиф;***

Чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш доимо долзарб бўлиб келган. Бу борада амалга оширилаётган ишлар нафақат таълим муассасаларида, балки сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар ва буйруқларда ўз аксини топган. Мамлакатимиз биринчи президенти И.А. Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори ҳам шу жумладандир. Шундан бошлаб 2013-2014 ўқув йилида инглиз тилини 1-синфдан бошлаб ўқитиш, 2014-2015 ўқув йилида 2-синф ўқувчиларига, 2015-2016 ўқув йилидан 3-синф ўқувчиларга, 2016-2017- ўқув йилидан 4-синф ўқувчиларига ҳам чет тиллари мунтазам ўргатиб борилишини таъминлаш ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорларда ўз аксини топди. Шу ўринда 1-синф ўқувчиларини чет тилида мулоқот қилишга ўргатиш, 2-синфда инглиз тили фани ўқитилишининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини очиб бериш, бунда ўқитувчининг компетентлиги каби муаммолар ечими нимадан иборат эканлигини аниқлаш бугунги кунда долзарб.

Чет тилларини ўқитиш методикаси бир қанча: фалсафа, физиология, психология, тилшунослик, педагогика каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Маълумки, XIX асрда чет тилини ўрганиш методикасига кўп янгиликлар киритилди. Жумладан машхур америкалик методист Р. Ладо ва тилшунос Ч. Фриз яратган аудиолингвал метод тарихда чуқур из қолдирган. Таниқли психолог олими М.Д.Берлиц: “Хорижий тилни ўрганиш шу тилда фикр юритишни ўрганиш демакдир”, дейди. Маълумки, тил кишиларнинг бир – бирларини яхши билишлари, ҳурмат-эъзозлашлари, дўстлашишларида тенги йўқ омил, бебаҳо воситадир. Тил ўқитиш методикасида бағишланган ёзма манбаларда “ўқиш техникаси”, “ёзиш техникаси” каби терминлар мавжуд. Ўқиш техникаси –ҳарф, ҳарф бирикмасининг товуш билан муносабати, ёзиш техникасида эса ҳарфнинг ёзилиш қоидалари тушунилади. 2-синф ўқувчиларини ўқишга ўргатишда дастлаб инглиз алифбоси билан таништирилади. Ўқувчиларни инглиз алифбоси билан таништириш жараёнида уларнинг номлари ва товушлари билан алоҳида таништириб бориш, мақсадга мувофиқдир. Чунки бошқа тиллардан фарқли равишда инглиз тилида 44 та товуш мавжуд бўлиб, айрим инглиз ҳарфлари бир неча товушни ифодалайди. Баъзи сўзларнинг ўқилиши ёзилишидан тубдан фарқ қилади ва бу ўқувчилар учун бироз қийинчиликлар туғдириши мумкин. Ҳарфларни танишга ўргатишда товуш сўздан ажратиб олинади, баланд овозда талаффуз қилинади, “товуш артикуляцияси” кўрсатилади. Шунингдек, алифбони таништиришда **АВС** кўшиқлари орқали таништириш, бундан ташқари, ҳар бир товуш - ҳарфлар учун тавсия қилинган расмлар остида уларнинг номларини бериб бориш ўқувчиларнинг янги билимларни мустаҳкам ўзлаштиришларига асос бўлади. Ҳарфларга илова тарзда ўқувчилар учун таниш бўлган буюм-нарсаларнинг расмларини намойиш этиш, уларнинг орфографик саводхонлигини таъминлашга, тўғри ўқиш ва ёзиш кўникмаларини таркиб топтириш, шунингдек, луғат бойлиги - сўз захирасини оширишга ёрдам беради.

2-синфда инглиз тилида ўқиш ва ёзишга ўргатиш уйғунликда, баробар олиб борилади. Инглиз тилида ўқиш ва ёзишга ўргатишнинг илк босқичида ўқитувчи олдида сўзларнинг ёзувда ифодаланиши, инглиз ҳарфлари ва товушлари ҳақида тушунча, инглиз тилида бошланғич орфография қоидалари хусусида тасаввурни ривожлантириш, қолаверса, нутқи, тафаккури ва сўз луғат бойлигини оширишдек муҳим вазифа туради. Алифбо ҳарфлари ўхшаш бўлишига қарамай, инглиз тилининг товуш таркиби ўзбек тили товуш таркибидан тубдан фарқ қилади. Бу эса хорижий тилни ўрганувчи болага қийинчиликларни юзага келтиради. Масалан, **Aa [ei]** ҳарфининг инглиз тилида тўрт хил товуш билан ўқилиши (**name -[ei], cat-[æ], park-[ɑ], care-[ɛə]**) баъзан чет тилини ўрганувчи кичик мактаб ёшидаги болада ўқиш муаммосини юзага келтиради, чунки ўзбек тилида бу **Aa** ҳарфи фақат битта товуш билан ўқилади (байрам, ака, лола). Бу ва шунга ўхшаш ўқиш ва ёзиш билан боғлиқ лексика, морфология, орфография билан боғлиқ муаммоларининг ечими ўқитувчидан ўз фани, умумқасбий ва замонавий педагогик технологиялардан амалиётда тўғри фойдаланиш компетенциясини талаб қилади. Бугунги кунда бошланғич синфларда хорижий тилни ўргатувчи ўқитувчининг касбий компетенциясининг (лаёқатларининг) ривожланишига қўйидаги омиллар таъсир этади: билим, ҳаётий тажриба ва узлуксиз малака ошириш.

Инглиз тилида ўқишни ўргатишнинг ўзига хос талаблари мавжуд бўлиб, ўқитувчи ўз компетенциясини ривожлантиришда уларни эътиборга олиши лозим. Бунга қўйидагилар киради:

- инглиз тилининг товушлари, ҳарфлари ва уларнинг ёзувда ифодаланишнинг ўзига хос йўналишларини эътиборга олиш;

- ўқувчининг товуш, ҳарф, бўғин, сўз ва гапнинг ўзаро алоқадорлиги, уйғунлиги, яхлитлигини тўғри идрок этишига ўргатиш;

- орфографик саводхонликни ривожлантиришда товушларнинг тўғри таллафуз қилинишига, бола нутқининг ривожланиши ва ўсишига ижобий таъсир кўрсатиш.

Ўқувчилар инглиз алифбосини ўрганиш билан бир қаторда, ҳарфлар иштирокида қисқа ва содда бўғин, сўзларни ўқишни машқ қиладилар. Ўқишни ўргатишнинг турли усул, техника ва йўллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Расмлар ва уларнинг номлари ёзилган карточкалар ёрдамида ўқишни ўргатиш. Масалан: расмни кўрсатиб, ўқувчилардан расм номи сўралади ва кўрсаткич бармоқ ёрдамида ҳарфларни бирма-бир чапдан ўнга йўналтириб ўқилади.

2. Ўқишни ўргатишнинг дастлабки босқичида дикодинг (**decoding**-кодни очиб ўқиш) ва инкодинг (**encoding**- кодлаш) усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу усуллар ўқувчиларнинг ўқишни ўрганишини бир мунча осонлаштиради. Дикодинг бу –маъносиз сўзлар орқали ўқишни ўргатиш ва инкодинг – маъноли сўзлар орқали ўқишни ўргатиш, демакдир. Дикодинг усули ёрдамида дастлаб ҳарф бирикмалари ва содда сўзларни ўқиш машқ қилинади. Бунда ўқувчи ва ўқитувчининг эътибори сўзларнинг маъносига эмас, балки фақат ўқишни ўрганишга қаратилади.

Масалан: **be, ce, de, fe, ge, he, je, ke, le, me, ne, pe, qe, re, se, te, ve, we, ze. bat, cat, dat, fat, gat, hat, jat, kat, lat, mat, pat, rat, sat, tat, vat, wat,zat.**

Фақат шуни эсда тутиш лозимки, дикодинг фақатгина ўқишга ўргатишнинг илк босқичида самаралидир.

Инкодинг усули ёрдамида эса ўқувчилар маъно англлатувчи сўзларни ўқиш билан биргаликда, уларнинг таржимаси билан ҳам танишадилар. Ушбу усул ўқувчиларга ўқишни ўргатиш ва сўз- луғат бойликларини оширишга ёрдам беради.

Масалан: **bat, cat, fat, hat, mat, rat.**

**be, he, me, she, we** ва ҳоказо.

Ушбу усуллардан ўқишни ўргатиш жараёнида турли самарали ўқиш техникалари ва методлари билан биргаликда фойдаланиш мумкин .

3. Аналитик фоника (**Analytical phonics**) –ҳарфларни сўздаги товуш ифодаси орқали ўқиш. **Масалан:** 1-устунда ундош ҳарфлар, 2- устунда маълум

бир ҳарф бирикмаси берилади. Бунда ўқувчилар ундош ҳарфларни турли ҳарф бирикмалари билан ўқишни машқ қиладилар ва кўникма ҳосил қиладилар.

Масалан:

**b**

**c**

**d at( ight,in,ed)**

**f**

**g**

4. Графикли фонетика (**Grapho phonic**)- сўздаги ҳарфларни алифбодаги номи билан ўқиш техникаси. Масалан: **d-o-g**. Ушбу техника ўқувчиларнинг ҳарф номлари ва сўзларнинг ёзилиш тартибини эслаб қолишларига ёрдам беради.

Чет тилида ёзувни ўрганишда ўрганилаётган тил воситалари (графемалар ва ёзма шаклдаги лексик ва грамматик бирликларнинг қўлланиши, яъни ёзиш техникаси) ва ёзма шаклда фикр баён этиш тушунилади. Ёзув грамматик ва имло қоидаларига риоя қилган ҳолда, ёзма фикрни баён этишдир. Ёзиш техникаси деганда, графика (товуш-ҳарф муносабати ва ҳарфнинг маъно билдириш вазифаси), орфография (имло) назарда тутилади. Имло-сўз ва гапларни ёзиш, ҳамда уларга доир қоидалар йиғиндисидир. У продуктив нутқ фаолияти ҳисобланиб, маълумотни ёзув орқали кодлашдан иборат. Мактабга қадам қўйган ҳар бир ўқувчи у ёки бу ҳарфнинг шаклини тушуниб, ёзилишини, кичик ва бош ҳарфлар нисбатини, ручкани ушлаш ва тўғри ўтириш қоидаларини билади. Ўқувчиларда ёзув малакаларини ҳосил қилиш учун диққат, сезги , идрок этиш, хотира каби психофизиологик функциялар иштирок этади. Бу боғланишлар мияда мустаҳкамланади ва сақланиб қолади.

2-синфда имлони ўргатишда ўқитувчи тилшуносликдаги мавжуд маълум мезонларни билиши зарур.

1. Фонетик мезон: сўзнинг ёзилиши у ифодалаётган товушга мос келади. Масалан: **pen, ten, not, hot**.

2. Анъанавий мезон: фонетик ва морфологик имло қоидасига бўйсунмайди, тарихан қабул қилинган тарзда ёзилаверади. Масалан: **door, one.**

3. Иероглиф (идеография) мезон: айтилиши бир хил, ёзилиши турлича (омоним) сўзлар. Масалан: **here-hear, right-write.**

Ёзув мураккаб психофизиологик фаолият бўлиб, унда нутқ анализаторларининг барчаси иштирок этади. Ёзма нутқ жумлаларни тўғри тузиш ва сўзларни тўғри ёзишга маълум талаблар қўйилганлиги билан характерланади. Бола сўзларни қандай эшитган бўлса, шундай ёзилмаслигини билиши, уларни тўғри талаффуз этишга ва ёзишга ўрганиши зарур. Ёзма нутқни эгаллаш асосида болаларда турли матнлар ҳақида маълумотлар юзага келади. Бу даврда ёзма нутқ эндигина шакллана бошлаганлиги боис, болада ўзи ёзган фикрларни, сўз ва ҳарфларни назорат этиш малакаси ҳали ривожланмаган бўлади. Ўқитувчининг асосий вазифаси ушбу малакаларни ривожлантиришдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, инглиз тилида ўқувчиларни нутқ малакаларини ўргатишда ўқитувчидан кенг қамровли билим, маҳорат ва ижодкорлик талаб этади. Шу билан бирга, замонавий инглиз тили ўқитувчиси доимо, узлуксиз ўз устида ишлаши, инновацион педагогик технология ва ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиши лозим.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. “Чет тили ўқитиш методикаси” Ж.Жалолов. “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент-2012.

2. "Core Knowledge Preschool Sequence"; Core Knowledge Foundation; 2010

3. Four main methods learning to read. 2000, Ingrid Griggs, The Teacher Assistant.

4. Djabbarov, S. (2020). INGLIZ TILI GRAMMATIKASINI O'QITISHDA NIKOYALARDAN FOYDALANISH. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(52).  
извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4903](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4903)

5. Djabbarov, S. (2020). article Ingliz tilidagi frazeologik birliklarni o'zbek tiliga tarjima qilish muammolari: Ingliz tilidagi frazeologik birliklarni o'zbek tiliga tarjima qilish muammolari. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(68). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/3470](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/3470)

6. Djabbarov, S. (2020). article Ijtimoiy-psixologik kompetlilik tushunchasi xususida. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(52). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4897](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4897)

7. Djabbarov, S. (2020). Бўлажак чет тил муаллимининг касбий тайёргарлиги ва уни шакллантириш йўллари. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(52). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4899](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4899)